ДИАЛОГИК ДИСКУРС ТАРКИБИДА УЧРОВЧИ ТЕНГ ТАРКИБЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ СИНТАКТИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Л.Раупова

В статье рассматриваются синтактико-семантические особенности равноструктурных сложносочиненных предложений в составе диалогического дискурса.

Syntactico-semantic features of equally structured compound sentences as a part of a dialogical discourse were discussed in the article.

Ўзбек тилшунослигида қўшма гап талқини назариясини ҳал қилиш фанимизда систем-структур таҳлил усулларининг мавқеини оша бориши билан узвий боғлиқлиги аён. Қўшма гап қурилишининг системавий-структуравий тадқиқида бугунги кунда икки йўналиш ажралиб туради. А.Бердиалиев, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, М.Бошмонов, Д.Лутфуллаева, Ш.Искандарова ва С.Солихўжаева кабилар ишларида гап қурилишининг мазмуний тизими систем-структур асосларда ўрганилди [1-6].

М.Абузалова, Р.Сайфуллаева, Ҳ.Неъматов, Б.Менглиев, М.Қурбонова [7-11] каби тилшуносларнинг ишларида эса гап қурилишинг формал хусусиятлари субстанциал асосларда талқин қилинди.

Диалогик дискурсда қўлланилган қўшма гап шакл ва мазмуннинг узвийлигидан ташкил топган синтактик бутунлик ҳисобланади. Қўшма гапнинг шакли унинг синтактик тузилиши асосида белгиланса, мазмуни қандай воқеликни акс эттириши асосида аниқланади. Қўшма гапнинг шаклий ва мазмуний таркиблари орасидаги алоқа, албатта, мураккабдир. Диалогик дискурсда учрайдиган қўшма гапларни синтактик тузилишга кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: тенгланиш асосидаги тенг таркибли гаплар ҳамда тобеланиш асосидаги тобе ва мутаносиб аъзоли гаплар.

Тенг таркибли гапларнинг қисмлари мустақил содда гап сифатида қўллана олади. Иккинчидан, уларнинг ҳар бири (таркибий қисм) бирдан ортиқ гапнинг нутқда маълум бир боғловчи воситалар билан ўзаро боғланиши ва битта тугал оҳангга, битта гап тўхтамига эга бўлиши билан ажралиб туради. Учинчидан, тенг таркибли гаплар қўшма гап умумий қолипининг оралиқ бир кўриниши сифатида лисон ва нутққа дахлдор. Тўртинчидан, улар кесим шаклланувчи атов бирлиги ва кесимлик кўрсаткичлари, шунингдек, эганинг хусусиятларига кўра фарқланади. Бешинчидан, кенгайтирувчиларининг хусусиятлари (тузилиши, ифодаланиши), боғловчи воситаларининг ранг-баранглиги билан бошқа қолипли гаплардан фарқланади.

Тилшунос Р.Сайфуллаева ҳозирги ўзбек ада-

бий тилидаги қўшма гапларни уларнинг қисмлари орасидаги боғловчи воситалар асосида эмас, балки: 1) эганинг бор ёки йўқлигига, бўлиши мумкин ёки мумкин бўлмаслигига, бир хил ёки ҳар хиллигига кўра; 2) кесим таркибидаги атов бирлигининг бир хил ёки ҳар хил бўлиши, сўз туркумларининг бир хил ёки ҳар хил бўлишига кўра; 3) кесимлик кўрсаткичининг бир хил ёки ҳар хиллигига кўра таснифлаган [10,28]. Биз ҳам шу тасниф асосида диалогик дискурсда қўлланилган қўшма гапларнинг таҳлилига эътиборни қаратсак:

1. Атов бирлиги ва кесимлик кўрсаткичлари айнан бўлган гаплар: 1.*- Мағрурланманг, синглим, мағрурланманг, синглим, мағрурланманг!- деди жувон. – Ҳуснда тенгсиз экансизу, лекин оллоҳ билгувчи зот эканлигидан буткул бехабарсан.* (С. Қаҳҳор). 2.*- Э, келинг, хола, келинг.* (А. Қаҳҳор). *3. -Шошманг, шошманг, - деди Саидий қути ўчиб,- бошқа узурим бор* (А.Қаҳҳор) 4.*-Қўйнингизга солинг, солинг! – деди Мирҳомид пичирлаб* (А. Қаҳҳор.)

Мисоллардан кўриниб турибдики, диалогик дискурсда учрайдиган бундай гапларнинг эга, атов қисми ва кесимлик кўрсаткичлари айнан бир хил. Шунинг учун бундай гаплар ҳар хил услубий бўёқдорлик ифодалаб, персонажлар нутқида маълум бир ахборотни бўрттириб, таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланилади. Бундай гаплар диалогик дискурсдан ташқарида учрамайди. Р.Сайфуллаева бундай гапларни такрор гаплар деб номлайди. Ўзбек тили синтактик таҳлилида такрор гаплар тамоман янги тушунча эканлигини таъкидлаб, уларни икки кўринишга: тўлиқ ва қисман такрор гапларга ажратади.

2. Атов бирлиги қисми бир хил, кесимлик шакли ҳар хил бўлган гаплар: 1*. -Сиз **билмайсиз, билолмайсиз** ҳам. Билганингизда...* (Т.Малик, Талваса) 2.*-Сиз **чидаб ўтирдингизми, чидадингизми**?* (Ш.Холмирзаев). 3. ***Борманг, бормоқчимисиз**?* (С. Нуров)

3. Эгаси ва кесимдаги атов бирлиги бир хил, лекин кесимлик кўрсаткичи ҳар хил бўлган такрор гаплар: 1*. -Ташвишланманг, **айтсам айтибман-да**,-деди Элчин* (Т.Малик, Шайтанат). 2. *-Нега энди **бўлмас экан, бўлган эди, бўлди**, - дедим шошиб-пишиб.* (Х.Тўхтабоев) 3. - ***Қутурса, қутургандир,** эрга теккандан кейин **қутурмайди.*** (С.Аҳмад). 4. *– Бундоқ демадингизми?! Область ижроия комитетига секретарь денг! **Айтмадингизми**, колхозга қарашиб юборинг деб **айтинг.*** (А. Қаҳҳор)

5*. -У кишини танийсиз, яхши танисангиз керак. Область ижроия комитетида секретарь(А. Қаҳҳор.).*

6*. –Аммо йигитларимиз бизни кўришмайди. Сен уларни <u>танимайсан</u>, улар сени <u>танишмайди</u> (Т.Малик Шайтанат. 88-бет).*

4.[Е] лари ва [W]лари ҳар хил, [Pm] лари бир хил бўлган гаплар: *1.Ўлдирдинг, кетдим, девона (Ш. Холмирзаев.)*

2. -Эшон мени <u>билмайди</u>, аммо сизни <u>танимайди</u>(Ш.Холмирзаев)

3. – Биз мана шунақа қизиқдик, -деди капитан,-Бу хилдаги одамлар вақтида на ўқиб билим олган, на уқиб ҳунар; бир вақт кўзини очиб қарасаки, ҳамма нимадир <u>қиляпти</u> ва ҳеч нарса қилмайдиган одамга таҳқир назари билан <u>қараяпти</u>,-деб сўзини якунлади (А. Қаҳҳор)

4. - Худо сақласин. Майли, зарари йўқ, худо суйган қулига дард берадир. Қани <u>келинг</u>, бир дам солиб <u>қўяй</u>. Тангри хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Тенг муносбатли қўшма гаплар, унинг таркибий қисмлари саналмиш содда гап кесимларининг ҳар бири мустақил шаклланган бўлиб, уларни осонгина алоҳида содда гапларга айлантириб юбориш мумкин. Бундай кўринишли гапларда мустақил кесимлик шакли (МКШ)даги гаплар бирлаштирилади. Бирлашиш интонацион ва мазмуний омиллар асосида, кўп ҳолларда боғловчилар воситасида амалга оширилади: 1. - *Туҳмат қилманг, мен Оллоҳнинг каломини пулга сотадиганлардан эмасман* (Т.Малик, Шайтанат). 2. *–Энди! Козимбек кўнмаётибди-ку, лекин барибир, кузда тўй қиламиз* (А.Қаҳҳор, Синчалак). 3.*–Ўзим олиб келганимда камчиликлари кўрсатилар эди ва бу кўрсатмалар кейинги ишларим учун катта ёрдами тегар эди* (А.Қаҳҳор, Сароб).

Тенг муносабатли қўшма гапларнинг қисмларини боғловчи воситалар қандай тил бирликларини ташкил қилишидан қатъи назар, улар қўшма гап қисмларини боғлаш билан бирга гапнинг турли мазмуний муносабатларини шакллантиради. Тилшунос Ғ.Абдураҳмонов бундай гапларнинг мазмуний муносабати қуйидагича бўлишини қайд қилган:

1) қиёсий муносабат;
2) пайт муносабати;
3) айирув муносабати;
4) сабаб ва натижа муносабати;
5) изоҳлаш муносабати [14,164]. Бу ҳодиса

ҳақида олима М.Асқарова эса бундай гапларнинг мазмуний жиҳати сабаб, пайт, чоғиштириш, зидлаш, айириш ва инкор муносабатлар асосида шаклланишини кўрсатади [16,164-170].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда тенг муносабатли қўшма гапларни ташкил этувчи содда гаплар орасида турли маъновий алоқалар мавжудлигини қайд этиш лозим. Жумладан:

а) узилишли бирин-кетинлик;
б) узилишсиз бирин-кетинлик;
в) пайт муносабати;
г) натижа муносабати;
д) сабаб муносабати;
е) чоғиштириш ва ҳоказо.

Бу муносабатлар ҳар бир гапнинг таркибидаги атов бирлиги, кесимлик шакли қўлланган боғловчи воситаларнинг маъно ва вазифалари билан боғлиқ бўлиб, бевосита синтактик структурага дахлдор эмас.

Юқоридаги қайд этилган ҳолатларни умумлаштириб қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Ўзбек диалогик дискурсида [WPm, WPm]-тенг таркибли қўшма гапларнинг имкониятлари жуда кенг. Бундай гаплар ҳам сўзловчи нутқида, ҳам тингловчи нутқида бир хилда учрайди.

2. Диалогик дискурсда учрайдиган тенг муносабатли қўшма гаплар **[E], [W]** ва **[Pm]** ларнинг ҳар хил ёки бир хиллиги билан фарқланади. Масалан, эгалари алоҳида тарзда ифодаланган ёки ифодаланмаган кўринишда бўлиши фақат диалогик дискурсга хосдир.

3. Тўлиқ, тўлдирилган, мураккаблашган, қисман, қисқартирилган каби такрор гаплар фақат диалогик дискурсда учрайди.

Адабиётлар:

1. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т., 1992
2. Нурмонов А.Н. Гап ҳақида синтактик назариялар.-Т.,1988
3. Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // ЎТА.- 2001.- № 4
4. Лутфуллаева Д. Э. Гапнинг семантик-синтактик курилиш колипи ва пропозитив структураси урта-сидаги муносабат: Филол.фан.док... дис.: - Т., 2006
5. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида урганиш (шахс микро-майдони): Филол.фан.док... дис.: - Т., 1999
6. Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификат ва парадигмати-ка. –Т., 1989
7. Абузалова М. Содда гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари хакида: Филол.фан.ном ... дис. - Т., - 1992
8. Акрамов Ш. Хозирги узбек тилида тулдирувчи ва хол категорияси [WP_m] аспектида: Филол.фан.ном ... дис. - Т., - 1997
9. Сайфуллаева Р., Абузалова М. Гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари ҳақида. // ЎТА.- 1991, №5.- Б.42-47
10. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. – Т., 1994
11. Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. – Т., 1999
12. Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. – Қарши: Насаф, 2003
13. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. – Т., 2007
14. Абдураҳмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари.- Т.,1958
15. Ўзбек тили грамматикаси.-Т.,1996
16.Ғуломов А.,Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- Т., 1987

ЎзР ВМ ҳузуридаги ДТМ
2010 йил 17 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)